

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”


Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари
университети ректори

Ғ.Х. Раҳимов



“МАЪҚУЛЛАНДИ”

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги
Олий Аттестация Комиссияси
раиси А.Т. Юсупов



13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (хорижий тиллар)

ихтисослиги бўйича малакавий имтиҳон

ДАСТУРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2017
йил “29” август №248/5 -сонли қарори билан тасдиқланган

Тошкент - 2017

Тошкент - 2017

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (хорижий тиллар) ихтисослиги бўйича олий ўқув юртидан кейинги талим институтига малакавий имтиҳонидан дастури 2017 йил 29 июндаги “Замонавий педагогик технологиялари” кафедраси йиғилишида муҳокама қилинди.

Тўзувчилар: пед.ф.д., профессор Ахмедова Л.Т.;
пед.ф.н., доцент Нормуратова В.И.;
пед.ф.н., доцент Караева К.Н.

Такризчилар: пед.ф.н., доцент УзДЖТУ Лагай Е.А.
пед.ф.д., профессор ТДЮУ Хашимова Д.У.

Кириш

Ушбу дастур 13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (хорижий тиллар) ихтисослиги бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълим институтига малакавий имтиҳон топширувчилар учун мўлжалланган.

Дастур “Таълим тўғрисида”ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Ўз.Р. Президенти 10 декабрь 2012 йилдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 1875-сонли қарорига асосланиб тузилган.

Дастур чет тиллардан Ўзбекистон Республикаси давлат таълим стандартлари, узлуксиз таълим концепциялари, ҳамда халқаро Европа кенгаши чет тилларни ўргатиш хужжатлари: чет тилларни ўрганиш Умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўргатиш, баҳолаш (CEFR – Common European Framework of Reference: Learning, Teaching, Assessment) асосида ишлаб чиқилди.

Дастурнинг асосий хусусияти шундан иборатки чет тил ўқитувчиси касбий маҳоратини шакллантириш компетентлик ёндашувига асосланиб амалга оширилади. Ушбу компетенция ўз ичига касбий ва илмий фаолиятини турли жабҳаларида ва бутунжаҳон таълим соҳасида интеграллашувни таъминловчи лингвистик, социолингвистик ва прагматик компетенцияларни тизимини камраб олади.

Чет тиллар ўқитиш методикасининг тарихий ва замонавий муаммоларини билиш ҳамда ўзи танлаган тадқиқот бўйича долзарб масалаларни белгилай олиш – имтиҳонни самарали топширишнинг асосий омилidir.

Чет (рус) тилларни ўқитиш методикасидаги қўйилган савол доирасида дарслик ёки мақолалардаги фикр ва мулоҳазалар педагогик, психологик ва психолингвистик нуқтаи-назардан ёритиб берилиши лозим.

Талабгор ЎзР узлуксиз таълим тизими барча босқичлари (умумий ўрта

мактаб, академик лицей, касб-хунар коллежлари, ОТМ) учун чет тилидан дастурлар, дарслик, ўқув қўлланмалар, ўқув методик мажмуаларни, чоп этилган илмий мақолалар, химоя қилинган тадқиқотларни яхши билиш зурур.

Талабгор чет тили таълими амалиётини билиши ва ўзи олиб бораётган тадқиқотини долзарблиги, янгилиги, илмий-амалий аҳамиятини назарий асослаб турли олимлар тадқиқотларни билиш ва танқидий шарҳлаб бериши лозим.

Малакавий имтиҳон билети учта саволдан иборат:

1-савол. 13.00.02-Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (хорижий тиллар) ихтисослиги бўйича назарий билимларни эгаллаганлигини баҳолашга қаратилган.

2-савол. Илмий амалий хусусиятга эга бўлиб, талабгорнинг чет (рус) тилларни ўқитишнинг замонавий метод ва технологияларини қўллашни билиш даражасини аниқлашга қаратилган.

3-савол. Талабгорнинг ўз тадқиқоти мақсад ва вазифаларни долзарблиги, ишлаб чиқилган концепциялари, эришилган янгилиги, экспериментал тадқиқот натижаларини асослаб беришини баҳолашга йўналтирилган.

ТАЛАБГОР КАСБИЙ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ БАХОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

Максимал балл - 100 б.

Баҳо	Балл	Изоҳ
Аъло	86-100	Бал охирида ҳар бир савол учун алоҳида жамланади ва белгиланади. 1-2 саволлар учун 35 балл, 3 савол учун 30 балл.
Яхши	71-85	
Ўрта	55-70	
Қониқарсиз	0-54	

1 савол - 35 б.

Оценка	Балл	Баҳолаш мезонлари
Аъло	30 - 35	Чет тил ўқитиш методикасидаги замонавий оқим ва ёндашувларни тўлиқ билиш ва жавобларни илмий далиллар билан исботлаш.
Яхши	25 – 29	Чет тил ўқитиш методикасидаги замонавий оқим ва ёндашувларни тўлиқ билиш ва жавобларни баъзи илмий далиллар билан асослаш.
Ўрта	19 – 24	Чет тил ўқитиш методикасидаги айрим замонавий оқимларни билиш.
Қониқарсиз	0 – 18	Савол бўйича ҳеч қандай ахборотга эга эмас.

2 вопрос - 35 б.

Баҳо	Балл	Баҳолаш мезонлари
Аъло	30 - 35	Шахсий касбий тажрибасига таянган ҳолда чет (рус) тиллар ўқитишнинг замонавий метод ва технологияларини юқори даражада назарий ва амалий эгаллаганлиги.
Яхши	25 – 29	Шахсий касбий тажрибасидан мисоллар келтирган ҳолда чет (рус) тиллар ўқитиш метод ва технологияларини назарий ва амалий жиҳатдан яхши эгаллаганлиги.
Ўрта	19 – 24	Мавзу бўйича фақат назарий ёки фақат амалий касбий малакани эгаллаганлиги.
Қониқарсиз	0 – 18	Савол бўйича назарий билим ва амалий тажрибага эга эмаслиги.

3 вопрос - 30 б.

Баҳо	Балл	Баҳолаш мезонлари
Аъло	27 – 30	Бажарилган тадқиқоти бўйича юқори даражада маълумотга эга бўлиши, унинг долзарблиги, янгилиги, эришилган натижалари, ишлаб чиқилган тавсиялари, эксперимент хулосаларини олий даражада тақдим эта олиши. Қўшимча саволларга жавоб бера олиши.
Яхши	22 – 26	Бажарилган илмий тадқиқоти бўйича маълумотга эга бўлиш, унинг долзарблиги, янгилиги, эришилган натижалари тавсия ва хулосаларини яхши тақдим эта олиш
Ўрта	17 - 21	Илмий тадқиқотини тўлиқ тақдим эта олмаслик, унинг натижаларини аниқ далиллар билан очиб бераолмаслик.
Қониқарсиз	0 - 16	Илмий тадқиқот бўйича маълумот бера олмаслик.

ДАСТУР

Чет тилларни Ўзбекистонда ўқитиш методикаси.

Чет тилларни ўқитиш методикаси ривожланишини даврларга бўлиниши. Турли даврларда чет тилларни ўқитиш методлари. Таълим мақсадлари, мазмуни, принциплари ва усуллари. Мустақилликдан кейин чет (рус) тилларни ўқитишнинг долзарб муаммолари. Чет тилларни ўқитиш жараёнини жадаллаштириш.

Методика фанининг илмий-тадқиқот методлари.

Илмий тадқиқотнинг асосий тушунчалари. Тадқиқотнинг моҳияти ва хусусиятлари. Илмий-тадқиқот турлари: эмпирик, назарий, эмпирик-назарий тадқиқотлар. Илмий билиш шакллари: ғоя, далил, гипотеза, илмий башорат.

Тадқиқот босқичлари:

Биринчи босқич: тадқиқот мавзусини танлаш ва асослаш; муаммонинг ўрганилганлик даражаси, объект, предмет, мақсад, гипотеза, тадқиқот вазифаларини ишлаб чиқиш; тадқиқотнинг янгилиги, назарий ва амалий ахамиятини асослаш. Биринчи босқичда фойдаланиладиган илмий услублар, тажрибаларни умумлаштириш, кузатув, сўровномалар ўтказиш, назарий ва амалий адабиётларни ўрганиш, таҳлил-синтез.

Иккинчи босқич: Муаммони хал этиш усуллари назарий асослаш. Муаллифнинг муаммони хал этишда ишлаб чиққан технологияси. Ишлаб чиқилган тавсиялар, ўқув қўлланмалар ва х.к.

Учинчи босқич: муаммони экспериментал тадқиқи. Қўлланилган методлар: эксперимент олди срезлар ўтказиш жараёни, тест жараёни, тажриба синов эксперимент жараёни, натижаларни ўрганиш, статистик таҳлил.

Тўртинчи босқич: эксперимент натижаларининг таҳлили, натижалар таснифи, хулосани шакллантириш, илмий амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Бешинчи босқич: тадқиқот натижаларни шакллантириш.

Чет тилларни ўқитиш методикаси фан сифатида.

Ўзбекистон Республикасида замонавий тил сиёсати.

Методиканинг предмети ва вазифалари. Методиканинг бошқа фанлар билан алоқаси (педагогика, дидактика, психология, лингвистика, психолингвистика ва б.). Илмий тадқиқот методлари. Асосий методик категориялар, тушунчалар.

Чет тил ўқитиш методикаси тадқиқотнинг концептуал асослари

Чет тил ўқитишда шахсга йуналтирилган ёндашув (Л.С.Выготский, С.Л.Рубинштейн, А.Н.Леонтьев, И.А.Зимняя, И.И.Ильясов). Тил, нутқ, нутқ фаолияти тушунчалари.

Когнитив-коммуникатив ёндашув (И.Л. Бим, А.В. Шепилова, Е.И.Пассов). Кўптиллик ва маданий хилма хиллик тушунчалари. Лингвистик ва когнитив кўникмалар.

Коммуникатив компетенция тушунчаси ва компетенция турлари ва структураси. Чет тил эгаллашда Умумевропа компетенциялари. Умумий ва коммуникатив компетенциялар. Умумий компетенция тизими: декларатив, социомаданий ва маданиятлараро билим. Коммуникатив компетенция тизими: лингвистик, социолингвистик ва прагматик.

Тизимли ёндашув (И.Л. Бим). “Тизим”, “структура”, “мухит”, “кайта алоқа” тушунчалари. Чет тил ўқитиш тизимининг турли даражаларда кўриниши: макродаража, конкрет чет тил ўқитиш даражаси, тил аспектлари ва нутқ фаолиятларини ўқитиш даражаси.

Чет тил ўқитишда маданиятлараро ёндашув ва концепциялар.

Лингвомаданий ёндашув (Е.М. Верещагин, В.Г. Костомаров), социомаданий ёндашув (В.В. Сафонова, П.В.Сысоев), маданиятлараро ёндашув (С.Г. Тер-Минасова, Г.В. Елизарова), лингвокултурологик ёндашув (В.В. Воробьев, М.А. Суворова). Тил ва маданиятнинг ўзаро алоқаси (М.М. Бахтина)

Чет тилларни ўқитиш методикаси тарихи.

Чет тил ўқитиш методикаси тарихи ва ривожланиш босқичлари.

Чет тил ўқитишда “метод” тушунчаси. Чет тил ўқитиш методикасининг ривожланиш босқичлари (тарихи). Чет тил ўқитишда қўлланилган методларнинг таснифи: таржима, тўғри, аралаш, онгли-қиёсий методлар. (Ҳ.Палмер, М.Уэст, Ф.Гуэн, Г.Лозанов, Р.Ладо, Ч.Фриз, М.Вальтер, Ҳ.Суит, Ч.Хэндшин, К.Флагстад, Э.Отто, Ф.Аронштейн, П.Хэгболдт, Ф.Клоссе, А.Болен, Б.В.Беляев) методлари. Чет тил ўқитиш методларининг ютуқ ва камчиликларининг таҳлили. Чет тил ўқитиш замонавий методлари.

Таълим мақсад ва вазифалари.

Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизимида чет тил таълими мақсади ва вазифалари.

Чет тилларни ўқитиш мазмуни.

Таълим мазмуни. Мақсад, мазмун ва вазифаларнинг ўзаро боғлиқлиги. Таълим мазмуни таркиби (компонентлари). Чет тил коммуникатив компетенцияси. Лингвистик компетенция. Социолингвистик компетенция. Прагматик компетенция. Узлуксиз таълим тизими турли босқичлари учун чет тиллар бўйича таълим мазмуни.

Чет тилларни ўқитиш принциплари.

Чет тил ўқитишда дидактик ва методик принциплар тушунчаси. Чет тил ўрганишда илмий жараёни ўзлаштиришда методик принципларнинг ўрни (коммуникатив принцип, нутқ фаолиятини ўқитишда дифференциал ёндашув, интегратив ёндашув). Дидактик принциплар, чет тил ўқитиш психологик принциплари, чет тил ўқитиш методикаси принциплари. Методиканинг асосий принциплари. Методиканинг хусусий принциплари. Чет тил ўқитишнинг махсус принциплари.

Чет тилини ўқитишда маданиятлараро принципи (Г.В. Елизарова).

“Метод” тушунчаси: тор ва кенг маънода. Дарс методи. Дарсни ташкилий тузилиши ва олиб бориш усулларига қараб анъанавий (тушунтириш-кўргазмалилик) методлар, ноанъанавий (муаммоли, интерактив) методлар, ҳамда замонавий (модулли, дастурланган ва компьютерлаштирилган) методлар таснифи.

Дарснинг ташкилий тузилмасига қараб: оғзаки (сухбат, баҳс, мунозара, маъруза), ёзма (иншо, баён, ёзма иш) ва кўргазмали амалий (мисоллар ечиш, лаборатория ишлари, амалий ишлар) методлар таснифи.

Методлар классификацияси (И.Я. Лернер): инфор­мацион-рецептив, репродуктив, муаммоли вазиятни изохлаш методи, эвристик ва тадқиқот методлари.

Таълимни ташкил этиш шакллари.

Чет тиллардан таълим тизими: (Units) дарс/машғулот цикллари, маъруза, семинар, амалий ва лаборатория машғулотлари; машғулот вариантлари (мажбурий ва факультатив курслар); нутқ дарслари турлари. Масофавий таълим. Таълим босқичи ва вазифаларига кўра чет тилларидан синфдан (аудиториядан) ташқари ишлар мақсадлари, турлари.

Чет тилларни ўқитиш воситалари.

Ўқув жараёнида дарсликнинг ўрни ва аҳамияти, дарслик мазмуни, принциплари, таркиби, ўқув-услубий мажмуа таркиби. Таълимнинг техник воситалари ва кўргазмалилик. Чет тиллар таълимида. Чет тил ўқитишда восита тушунчаси. Чет тил ўқитиш воситаларига тизимли ёндашув. Чет тил ўқиш воситалари классификацияси. Чет тил ўқитиш дастури, чет тил ўқитишнинг муҳим воситаси сифатида. Олий таълимда чет тил ўқитишда ўқув методик қўлланманинг ўрни. Ўқув услубий мажмуа яратишга замонавий талаблар. Чет тил ўқитишда замонавий ёндашувларнинг ЎУМ да мавжудлиги даражасини таҳлил қилиш.

Ўқув жараёни учун зарур бўлган воситалар. Педагог учун, талаба учун ва ўқув машғулоти учун зарур бўлган асосий ва ёрдамчи воситалар.

Таълим беришда инфор­мацион-коммуникатив воситаларнинг кулланиши. Чет тил ўқитишда мул­тимедиянинг ўрни.

Чет тил ўқитишда дарсни лойиҳалаштириш жараёни.

Дарс- таълим жараёнинг асосий бирлиги. Чет тил дарси, дарс тури (янги билим эгаллаш: билим, малака ва кўникмани мустаҳкамлаш: такрорлаш: эгалланган билимларни умумлаштириш ва тизимга келтириш: назорат), шакли, методи (оғзаки, ёзма, кўрсатмали-амалий), усули (анъанавий, ноанъанавий ва замонавий), ва услублари. Дарсни самарали лойиҳалаштириш методикаси.

Дарсни таҳлил қилиш турлари (дарсни илмий таҳлил қилиш, дарсни методик жиҳатдан таҳлил қилиш, дарсни дидактик жиҳатдан таҳлил қилиш, дарсни психологик жиҳатдан таҳлил қилиш, ва дарсни умумпедагогик жиҳатдан таҳлил қилиш). Дарс машғулотларини лойиҳалаш методикаси.

Коммуникатив компетенция, турлари ва уларни ўргатиш.

Чет тил ўқитишда “фонетик”, “грамматик”, “лексик” компетенциялари тушунчалари. Тил материали такдимоти методлари. Ўқув материални танлаш тамойиллари. Машқ ўқув жараёнининг асосий бирлиги сифатида. Нутқ фаолиятини продуктив ривожлантиришда машқлар типологияси. “Машқлар тизими” тушунчаси. Чет тил ўқитиш методикасида машқлар тизими классификацияси.

Тинглаб тушуниш компетенциясини ўргатиш.

Тинглаб тушуниш нутқ фаолияти тури сифатида. Тинглаб тушунишнинг психофизиологик механизмлари. Тинглаб тушунишни ўргатиш муаммолари. Тинглаб тушуниш материалларига қўйиладиган талаблар.

Тинглаб тушуниш таълимнинг мақсади ва воситаси сифатида. Таълим

стандартига мувофиқ чет тил ўқитишнинг турли даражаларида тинглаб тушунишга бўлган талаблар. Тинглаб тушунишдаги қийинчиликлар: лингвистик, семантик, эшитиш қобилиятига боғлиқ бўлган қийинчиликлар, ўрганилаётган тил маъданиятига боғлиқ бўлган қийинчиликлар. Тинглаб тушунишни ўқитиш технологияси. Тинглаб тушунишни ўргатиш учун бағишланган коммуникатив машқлар. Тинглаб тушуниш малакаларини назорат қилиш. Тинглаб тушунишга оид амалга оширилган асосий тадқиқотлар ва ўз ечимини кутаётган муаммолар. Тинглаб тушунишда қўлланиладиган воситалар.

Гапириш коммуникатив компетенция тури сифатида.

Диалог нутқни ўргатиш муаммолари. Монологни ўргатиш муаммолари. ДТСда гапириш бўйича талаблар.

Гапириш таълимнинг мақсади ва воситаси сифатида. Гапиришнинг асосий функциялари. Гапиришнинг психофизиологик механизмлари. Гапиришни ўргатиш машқлари. Гапириш малакаларини назорат қилиш ва баҳолаш.

Диалог (жуфт нутқ). Таълим стандартига мувофиқ чет тил ўқитишнинг турли даражаларида диалогни эгаллашга бўлган талаблар. Жуфт нутқнинг коммуникатив турлари. Жуфт нутқни ўқитиш принциплари. Жуфт нутқни ўқитишда иккита ёндашув: индуктив ёндашув ва дедуктив ёндашув. Индуктив ва дедуктив ёндашуви орқали жуфт нутқни ўқитиш технологияси.

Монолог нутқ (якка нутқ) ўргатиш. Якканутқни ўргатиш мақсадлари. Таълим стандартига мувофиқ чет тил ўқитишнинг турли даражаларида якканутқни эгаллашга бўлган талаблар. Якканутқнинг коммуникатив турлари: тавсиф, хабар, хикоя, қисса, бахс. Якканутқни ўқитиш принциплари. Якканутқни ўқитишда турли ёндашувлар.

Диалог ва монолог нутқ шаклларини ўргатишга оид бажарилган асосий тадқиқотлар ва бу соҳадаги муаммолар.

Ўқиш компетенциясини ўргатиш.

Ўқишни ўргатиш мақсади. Давлат таълим стандартига мувофиқ чет тил ўқитишнинг турли даражаларида ўқишни эгаллашга бўлган талаблар. Ўқиш таълимнинг мақсад ва воситаси сифатида. Ўқишнинг психофизиологик механизмлари. Ўқиш турлари. Овоз чиқариб ўқиш. Матн мазмунини тўлиқ тушуниш учун ўқиш, матннинг асосий мазмунини тушуниш учун ўқиш. Керакли ахборотни кидириб ўқиш. Ўқишни ўргатиш принциплари. Ўқиш техникасини ўргатиш. Ўқишни ўргатиш машқлари. Ўқиш малакаларини назорат қилиш. Ўқишни ўргатиш масалаларига оид бажарилган асосий тадқиқотлар ва мазкур соҳадаги муаммолар.

Ёзув компетенциясини ўргатиш.

Ўқиш нутқ фаолияти тури сифатида. Ўқишни ўргатиш вазифалари. Ўқиш турлари. Турли ўқиш турлари учун матнларга талаблар. Овоз чиқариб ва чиқармай ўқиш техникасини ўргатиш муаммолари. Ўқиб тушунганликни текшириш усул ва воситалари. Ўқиш малакасини баҳолаш мезонлари.

Ёзув нутқ фаолияти тури сифатида. Ёзувни ўраганиш мақсади ва методикаси. Ёзув турлари. Ёзма нутқни эгаллаганлигини назорат қилиш турлари ва шакллари. Ёзув малакаси шаклланганлигини баҳолаш мезонлари.

Ёзув компетенциясини ўқитиш мақсади. Давлат таълим стандартига мувофиқ чет тил ўқитишнинг турли даражаларида ёзув малакасини эгаллашга бўлган талаблар. Ёзув таълимнинг мақсади ва воситаси сифатида. Ёзувнинг таълимшунослик ва руҳшунослик масалалари. Ёзиш техникаси ва ёзма нутқни ўргатиш. Ёзувни ўргатиш машқлари. Ёзув малакаларини назорат қилиш. Ёзувни ўргатиш масалаларига оид бажарилган асосий тадқиқотлар ва мазкур соҳадаги муаммолар. График ва орфографик малакаларини шакллантириш технологиялари.

Лексика компетенциясини ўргатиш.

Чет тил коммуникатив компетенцияси сифатида лексик компетенцияни шакллантириш. Лексик малакаларни шакллантириш. Лексикани контекстда ўргатиш. Лексик минимум танлаш муаммолари. Лексик минимум турлари. Лексиканинг методик типологияси. Лексик материал такдимоти (презентация)нинг асосий босқичлари. Лексик машқлар тизими. Лексик компетенцияни текшириш.

Грамматика компетенцияни ўргатиш.

Узлуксиз таълим тизими турли босқичларида чет тил коммуникатив компетенцияси сифатида грамматик компетенцияни шакллантириш. Грамматик минимум танлаш. Грамматик кўникма ва малакаларни шакллантириш ва ривожлантириш усул ва воситалари. Грамматикани контекстда ўргатиш. Янги грамматикани такдимоти (тушунтириш) йўллари. Грамматик машқлар типологияси. Грамматик кўникма ва малакаларни текшириш усуллари.

Талаффуз компетенциясини ўргатиш.

Узлуксиз таълим тизимининг турли босқичларида талаффуз компетенциясини шакллантириш. Тинглаб-талаффуз қилиш малакаларини шакллантириш методикаси. Талаффузни ўргатиш методикаси. Тинглаб-талаффуз этиш малакаларини текшириш.

Таълим тизимида замонавий технологиялар

Технология атамасиниг маъноси. Чет тил ўқитишда замонавий технологияларнинг ўрни (лойихага асосланган ўқитиш, ўйин, кичик гуруҳларда ишлаш). Замонавий технологияларни қўллашда психологик ва педагогик самарадорлик. Замонавий технологияларни қўллашда мақсад, мазмун, тамойил, метод ва воситаларнинг ўрни. Чет тил ўқитишда инновацион ва информацион технологияларнинг ўрни. Чет тил ўқитишда интерактив усулнинг ўрни. Модулли таълим. Модул технологияси.

Чет тиллар таълимида АКТ (ахборот коммуникацион технологиялар)

ва замонавий педагогик технологиялар.

Тилларни ўргатиш ва ўрганишда педагогик технологиялар тарихи. Педагогик технологиялар ўрни ва аҳамияти. Интегротив, модул, ўйин, лойиҳалаш ва бошқа технологиялар. АКТ турлари.

Чет тиллар таълимида назорат.

Назорат вазифалари, турлари ва шакллари. Назорат ва ўз-ўзини назорат. Чет тилларда лингвистик ва коммуникатив компетенцияларнинг шаклланганлик даражасини назорат. Назорат турлари ва усуллари: тестлаштириш, анкеталаштириш, рейтинг, зачёт, имтиҳон. ДТС тинглаб тушунишга қўйилган талаблар. Тинглаб тушуниш малакасини баҳолаш мезонлари.

Тавсия этиладиган адабиётлар

1. Президент Қарори № 1875 (10.12.2012).
2. Государственные образовательные стандарты по иностранным языкам и учебные программы по обучению ИЯ на разных ступенях системы непрерывного образования в Республике Узбекистан. – Т. - 2013.
3. Общеввропейские компетенции владения иностранным языком: Изучение, обучение, оценка. Департамент по языковой политике, Страсбург. – М.: Московский государственный лингвистический университет, 2005 (русская версия). – 248 с.
4. Common European Framework of Reference for Languages: Learning, Teaching, Assessment. – Cambridge : Cambridge University Press, 2001. – 260 P.
5. Абдуллаев Ю.Н. Коммуникативная методика обучения иностранным языкам и зарубежный педагогический опыт. – Самарканд, 2001.

6. Абдуллаев Ю., Бушуй А. Иностранные языки в современном мире. Эволюция методики обучения. –Т.: Фан, 2000.
7. Азизхлджаева А.К. Педагогическая технология. -Т. 2002.
8. Ахмедова Л.Т., Нормуратова В.И. Практикум по методике преподавания английского языка. –Т.: Фан ва технология. - 2011.
9. Ахмедова Л.Т., Кон О.В. Методика преподавания литературы. - Т., 2009.
10. Ахмедова Л.Т. Роль и место педагогических технологий в профессиональной подготовке студентов. – Т.: Фан ва технология. – 2009.
11. Ахмедова Л.Т., Кон О.В. Методика преподавания русского языка. - Т., 2013.
12. Гальскова Н.Д., Гез Н.И. Теория обучения иностранным языкам. Лингводидактика и методика. –М.: Изд. центр «Академия». - 2007.
13. Гез Н.И. История зарубежной методики преподавания иностранных языков: учеб. пособие для студ. лингв. ун-ов и фак. ин. яз. высш. пед. заведений / Н.И. Гез, Г.М. Фролова. – М.: Издательский центр «Академия», 2008. – 256 с.
14. Ахмедова Л.Т., Лагай Е.А. Современные технологии преподавания русского языка и литературы. - Т., 2016.
15. Жалалов Ж.Ж, English language teaching methodology. – Т.: Фан ва технология. - 2015.
16. Жалалов Ж.Ж. Чет тил ўқитиш методикаси. – Т.: Ўқитувчи. - 2012.
17. Звягинский В.И. Методология и методы психолого-педагогического исследования: Учебное пособие для студ. высш. учеб. заведений/ В.И. Звягинский, Р. Атаханов. – М.: Издательский центр «Академия», 2001. – 208 с.

18. Кокер Я.М. Практическая методика обучения иностранному языку: Учеб. Пособие / Я.М. Колкер, Е.С. Устинова, Т.М. Еналиева. – М.: Издательский центр «Академия», 2000. – 264 с.
19. Махкамова Г.Т., Алимов Ш.С., Зияев А.И. Innovative pedagogical technologies in the English language teaching. – Т.: Фан ва технология. - 2017.
20. Мильруд Р.П. Методика преподавания английского языка. English Teaching Methodology: учеб. Пособие для вузов / Р.П. Мильруд. – М.: Дрофа, 2005. – 253 с.
21. Миролубов А.А. История отечественной методики обучения иностранным языкам / А.А. Миролубов. – М.: СТУПЕНИ, ИНФРА-М, 2002. – 448 с.
22. Пассов Е.И. Анализ в методике: теория и опыт применения / Монография / Под ред. Канд. пед. наук, доц. Н.Е. Кузовлевой. – Воронеж: Методическая школа Пассова, 2003. – 218 с.
23. Пассов Е.И. Методология методики: теория и опыт применения / Е.И. Пассов. Избранное. – Липецк: ЛГПУ, 2002. – 228 с.
24. Пассов Е.И. Методика как теория и технология иноязычного образования. – Кн. 1. – Елец: ЕГУ им. И.А. Бунина, 2010. – 543 с.
25. Тер-Минассова С.Г. Язык и межкультурная коммуникация / С.Г. Тер-Минассова - М.:СЛОВО/SLOVO, 2000. – 262 с.
26. Теория и методика обучения иностранным языкам: хрестоматия: учеб. пособие в 2 частях. Ч.1 / сост.: А.В. Большакова, Е.Ф.Иванова, Н.П.

Серебрякова, И.Д. Трофимова, Н.В. Языкова / под общ. ред. Н.В. Языковой. – Улан-Удэ: Изд-во Бурятского госуниверситета, 2008. – 288 с.

27. Теория и методика обучения иностранным языкам: хрестоматия: учеб. пособие в 2 частях. Ч.2 / сост.: А.В. Большакова, Е.Ф.Иванова, Н.П. Серебрякова, И.Д. Трофимова, Н.В. Языкова / под общ. ред. Н.В. Языковой. – Улан-Удэ: Изд-во Бурятского госуниверситета, 2008. – 283 с.

28. Хошимов У.Х., Ёкубов И.Я. Инглиз тили ўкитиш методикаси. –Т.: Ўкитувчи, 2003.

29. Erl, A. Interkulturelle Kompetenzen – Erfolgreich kommunizieren zwischen den Kulturen / A. Erl, M. Gymnich. – Stuttgart : Klett Lernen und Wissen GmbH, 2007. – 180 S.

30. Jo McDonough, Christopher Shaw and Hitomi Masuhara “Materials and Methods in ELT”. Teacher’s Guide”. John Wiley & Sons, Inc. 2013.

31. Tomlinson B. Materials Development in Language Teaching. – Cambridge: Cambridge University Press, 2010.

32. Ur P. A Course in Language Teaching: Practice and Theory. Cambridge: Cambridge University Press, 2010.

33. Zeuner, U. Landeskunde und interkulturelles Lernen. Eine Einführung / U. Zeuner. – Technische Universität Dresden. – 2004. – 130 S.

Кўшимча адабиётлар

1. Ахмедова Л.Т. Словарь-справочник по русскому языку. Т., 2011.

2. Компетенции в образовании: Опыт проектирования: Сб. науч. тр./ Под ред. А.В. Хуторского. – М.: Научно-внедренческое предприятие «ИНЭК», 2007.

-237 с.

3. Конишева А.В. Английский язык. Современные методы обучения. – Минск. - 2007.

4. Краевский В.В. Методология научного исследования: пособие для студ. и асп. гуманитар. ун-ов / В.В.Краевский. – СПб.: СПб. ГУП, 2001. – 148с.

5. Соловова Е.Н. Методика обучения иностранным языкам: базовый курс лекций. – Москва: Просвещение. - 2005.

6. Щукин А.Н. Методика обучения иностранным языкам. Курс лекций. – М.: Изд.-во УРАО. - 2002.

7. Щукин А.Н. Обучение иностранным языкам: Теория и практика: учебное пособие для преподавателей и студентов / А.Н. Щукин . – 2-е изд., испр. и доп. – М. Филоматис 2006. – 480 с.

8. Щукин А.Н. Современные интенсивные методы и технологии обучения иностранным языкам. – М. - 2008.

9. Ёкубов И.Я. Comparative Methods of Teaching English at Schools, Lyceums and Colleges. - Т. - 2014.

10. Byram, M. Introduction. Intercultural competence / M. Byram / edited by M. Byram. – Council of Europe. – 2006. – p. 5-13

11. Dittlman, A. Intrekulturelle Kompetenzentwicklung durch kulturelle Bildung. Deutschlands Akteure im Spannungsfeld / A. Dittlman. – VDM Verlag Dr. Müller, Saarbrücken, 2007. – 110 s.

12. Leaver B.L., Ehrman M., Shekhtman B. Achieving Success in Second Language Acquisition. – Cambridge: Cambridge University Press, 2005.

Интернет-ресурслар

<http://www.teachingenglish.org.uk>

<http://www.usc.edu>

<http://www.teachermentors.com>

<http://www.teachnet.org>

<http://www.sci.aha.ru/ALL/>

<http://www.onestopenglish.com>

<http://www.tesol.org>